

Ўзбекистон Республикаси Оила ва
хотин-қизлар давлат қўмитасининг
2022 йил “ 29 ” апрелдаги 16-сон
буйруғига 1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси
тузилмасининг Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими
таркибидаги Комплаенс назорати бош мутахассиси фаолияти тўғрисида
НИЗОМ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сонли Фармони ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг (бундан буён матнда Кўмита деб юритилади) Комплаенс назорат мақсади, вазифалари, функциялари, хуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Комплаенс назорати бош мутахассиси (бундан буён матнда Бош мутахассиси деб юритилади) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, карорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга, Кўмитанинг қарорлари, буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу низомга амал қиласди.

2. Бош мутахассис Кўмита марказий аппарати ва унинг худудий бўлинмаларида, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шартшароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини ташкил этишга қўйиладиган ягона талабларни ҳамда унинг ишини ташкил этишнинг методологик асосларини белгилашга масъул ҳисобланади.

2-боб. Бош мутахассис фаолиятини ташкил этиш

3. Бош мутахассис ўз фаолиятида Инсон ресурслари ва комплаенс назорати бўлими бошлиғи ва раисга бўйсинади.

4. Комплаенс назорати бош мутахассиси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (бундан буён Агентлик деб юритилади) билан биргаликда ўтказиладиган очиқ танлов асосида ишга қабул қилинади.

5. Комплаенс назорати бош мутахассисини лавозимдан озод этиш масаласи Агентлик билан келишилади.

Бунда, Қўмита томонидан Агентликка Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисининг бош мутахассисни лавозимдан озод этиш ҳақидаги тақдимномаси берилади.

Ушбу тақдимномада ходимни лавозимидан озод этиш сабаблари, мотивлари кўрсатилади. Тақдимномага ходимни лавозимидан озод этиш сабаблари ва мотивларини тасдиқловчи ҳужжатлар (масалан, ходимнинг аризаси, ички меҳнат тартиби қоидаларини бузганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва бошқа шу каби ҳужжатлар) илова қилинади.

6. Агентлик томонидан бош мутахассисни лавозимидан озод этиш сабаблари, мотивлари етарли эмас деб ҳисобланса, бош мутахассис таъкиб қилинаётганлиги ҳақида маълумотларга эга бўлса, ушбу масалада бош мутахассис билан сухбат ўтказилиши мумкин.

7. Қўйидагилар бош мутахассисни лавозимидан озод этишни келишишни рад этиш учун асос бўлади:

Бош мутахассисни лавозимидан озод этиш учун сабаблар етарли эмас деб топилганда;

Бош мутахассиснинг зиммасига юклатилган вазифа ва мажбуриятлар доирасидан ташқари вазифаларни бажармаганлиги ёки ўзига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни бажарганлиги учун таъкиб қилинганлиги ҳолати аниқланганда.

8. Тақдим этилган ҳужжатлар Агентлик томонидан уч иш куни ичида кўриб чиқилиб, Қўмитага бош мутахассисни лавозимидан озод этишни келишиш ёки келишишнинг рад этилганлиги сабаблари кўрсатилган хат тақдим этилади.

3-боб. Бош мутахассиснинг асосий мақсади, вазифа ва функциялари

9. Бош мутахассиснинг асосий мақсади Қўмита марказий аппарати ва унинг худудий бўлинмаларида, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларида коррупцияга қарши кураш бўйича ISO37001:2016 халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи комплекс тизимни, хусусан, коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш, коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, тизим ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг хуқуқий онги ва маданиятини ошириш, қўмита тизимида коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар ижросини таъминлашдан иборат.

10. Қўйидагилар Бош мутахассиснинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Қўмитанинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш;

Қўмитада коррупцияга оид хукуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш;

Қўмитада коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш.

Кўмита Ҳайъатини ишончли ахборот билан таъминлаш ва комплаенс назорати амалга оширилиши натижалари бўйича қўмита фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш ҳамда комплаенс назорат жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш.

11. Бош мутахассис ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

а) Кўмитанинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш соҳасида:

тизимда коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Раисга киритади;

Кўмитанинг фаолиятига оид норматив-хукуқий ҳужжатлар ва ички идоравий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий нормаларни бартараф қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

Кўмита томонидан ишлаб чиқиладиган коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар лойиҳаларини тизимда коррупцияга қарши курашиш сиёсатига мослиги, мақбуллиги ва долзарблиги нуқтаи назардан баҳолайди ва хулосалар беради;

Кўмитада коррупцияга қарши курашиш фаолиятини янада самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларни Агентликка киритиб боради.

б) Кўмитада коррупцияга оид хукуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш соҳасида:

Кўмитада коррупциявий хавф-хатарларни баҳолайди, уларнинг натижалари бўйича аниқланган хавф-хатарларни камайтириш юзасидан чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқади ва ташкилотда коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар рўйхатини яратади;

Кўмита томонидан ўхшаш хукуқбузарликлар содир этилиши эҳтимолини баҳолаш мақсадида давлат ҳокимиётининг бошқа органларида коррупциявий хукуқбузарликлар содир этилишининг ҳолати ва йўналишлари ҳақида маълумот тўплайди;

маҳсус ахборот алоқа каналлари орқали Кўмита ходимлари томонидан коррупциявий хавф-хатарлар ва хукуқбузарликлар ҳақида келиб тушадиган мурожаатларни таҳлил қиласида ва уларни белгиланган тартибда кўриб чиқилишини таъминлайди;

Кўмитада юритиладиган хизмат текширувлари реестри ёки ўтказилган хизмат текширувларини рўйхатга оладиган бошқа тегишли ҳужжатда коррупция фактларига доир хизмат текширувлари бўйича маълумотларнинг тўғри ва тўлиқ акс эттириб борилишини назорат қиласида;

давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини таҳлил қилишда ва ташкилот билан шартномавий муносабатларга (мехнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахсларнинг ишончлилигини текшириш жараёнида иштирок этади;

Кўмита ходимларига коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тушунтириш ва тавсиялар беради;

коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган маҳсус ахборот алоқа каналларининг фаолият натижаларини таҳлил қилади ва таҳлилий материалларни ташкилот ходимларига етказади;

Кўмита фаолиятидаги коррупциявий ҳолатларни ва хавф-хатарларни аниқлаш мақсадида аҳоли ва ходимлар орасида сўровлар ўтказади;

коррупцияга қарши курашишга оид талаб ва нормаларнинг бузилиши масалалари бўйича интизомий жавобгарликка тортилаётган шахсларга жазо чораларининг мутаносиблиги ва етарлилигини назорат қилади;

коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Кўмитада коррупция фактлари юзасидан ўтказилган хизмат текширувлари натижалари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилади;

хар чоракда Кўмита тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда улардаги коррупциявий ҳолат ҳақида Кўмита раисига маълумот киритиб боради;

в) Кўмитада коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш соҳасида:

коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларида ташкилотга юклатилган вазифалар ижросини мониторинг қилади ва назоратини амалга оширади;

Кўмита тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ISO37001:2016 Коррупцияга қарши халқаро стандарти талабларига мослигини таъминлайди;

Кўмита ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув режаларининг коррупцияга қарши нормаларга оид қисмини ишлаб чиқишида иштирок этади;

Кўмита ходимлари, шу жумладан коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлардаги ходимлар учун коррупцияни олдини олиш бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқади;

ўқув режага мувофиқ Кўмитанинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тренингларнинг ўтказилишини ҳамда уларда ходимларнинг иштирок этишини назорат қилади;

тизим ходимлари ва фуқаролар ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот тадбирларида иштирок этади;

Кўмитанинг расмий веб-сайтидаги “Коррупцияга қарши курашиш” бўлими ҳамда ижтимоий тармоқларидағи саҳифаларига жойлаштирилган маълумотларни янгиланиб борилишини таъминлайди;

тизимидағи ходимлар томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва Кўмитанинг коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилади;

коррупциявий хатти-ҳаракатлар бўйича хизмат текширувларини ўтказиш ташаббусини илгари суради ва унда иштирок этади;

одоб-аҳлоқ комиссиялари томонидан манфаатлар тўқнашувини тартиба солиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг холислиги ва мақбуллигини текширади;

амалга оширилган мониторинг, хизмат текширувлари ва назорат тадбирлари натижалари бўйича коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади;

тизимидағи коррупцияга қарши курашишга масъул тузилма(шахс)лар билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш бўйича ишларни ташкил этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган конференциялар, учрашувлар, семинарлар, танловлар ва бошқа тадбирларни ташкил этади;

Кўмита фаолияти унинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларига ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан текширувлар ўтказади;

г) коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш соҳасида:

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этади;

қонунчилик ҳужжатлари билан Кўмита зиммасига юклатилган коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларга мувофиқ хорижий давлатларнинг ваколатли органларига зарур ахборотни тақдим этиш тўғрисида сўровлар юборади ва уларнинг сўровларига жавоб беришда иштирок этади;

Кўмитанинг коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини тажомиллаштириш юзасидан хорижий мутахассисларни жалб этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

коррупциявий хатти-ҳаракатларни бартараф қилиш ёки коррупциявий жиноятларни тергов қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда ҳуқуқни мухофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қиласида;

д) Кўмита Ҳайъатини ишончли ахборот билан таъминлаш бўйича қўмита фаолиятини тажомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш ҳамда аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш соҳасида:

Ҳар йили қўмита томонидан тасдиқланадиган режага мувофиқ тегишли текширишлар ўтказиш йўли билан ички аудитни амалга ошириш; (ҳар чоракда ва ҳисбот йили якунлари бўйича)

Тузиладиган хўжалик шартномаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш;

Бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисботни тузишда қўмита таркибий бўлинмаларига методик ёрдам бериш, уларга молия, солик, банк қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

Техник топшириқларни ишлаб чиқишда, ташқи аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолашда ҳамда аудиторлик текширишларини ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлашда тавсияларни тайёрлашда корхонанинг кузатувчи кенгашига қўмаклашиш;

Бош мутахассис қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

12. Бош мутахассисга ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган функцияларнинг юклатилишига йўл қўйилмайди.

4-боб. Бош мутахассиснинг хуқуқ ва мажбуриятлари

13. Бош мутахассис ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги хуқуқларга эга:

қўмита тизими ходимларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таҳлилий материалларни, хулосаларни, статистик ва бошқа маълумотларни олиш;

хизмат мажбуриятларини бажариш доирасида Кўмита ходимларидан зарур ёрдам сўраш ва олиш;

қўмита тизими ходимлари фаолиятида аниқланган коррупциявий хуқуқбузарликлар юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш;

Кўмита раҳбариятига коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ўз фаолияти доирасида қўмита тизимиға ёзма кўрсатмалар, топшириқ хатлари ва тавсиялар бериш;

Кўмитанинг коррупцияга оид мажлисларида иштирок этиш;

текширувлар ўтказиш, ҳужжатларни талаб қилиш, ходимлардан ёзма тушунтиришлар олиш;

ички аудитни амалга ошириш давомида пайдо бўладиган масалалар бўйича корхонанинг ҳужжатларини (раҳбарнинг буйруқлари, фармойишлари, бошқарув органлари қарорлари, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар, зарур ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари ва бошқа ҳужжатларни), корхона мансабдор ва масъул шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш;

ички аудитни ўтказишга қўмаклашиш учун қўмитанинг тегишли мутахассисларини жалб этиш.

Бош мутахассис қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Бош мутахассис ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги мажбуриятларга эга:

ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан юклатилган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариш;

қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш ва ўз ваколат доирасидан четга чиқмаслик;

қўмита тизимида жиноят аломатлари, хусусан коррупция ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-тўғри Кўмита, Агентлик ва бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;

кўмитанинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-ахлоқ қоидаларининг коррупцияга оид қисмининг бузилганлиги факти юзасидан Раисга маълумотномалар киритиш;

ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойининг биринчи ўн кунлигига коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва чоратадбирлар тўғрисидаги чораклик ҳисботни Агентликка тақдим этиш;

ички аудитни амалга оширишда мазкур Низом ва бошқа қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш;

молия ва статистика ҳисботи кўрсаткичларининг ишончлилигини текшириш;

ички аудитни амалга оширишда олинган ахборотнинг маҳфийлигига риоя қилиш;

кўмита тизими ходимлари томонидан зарар етказилганидан далолат берувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, дарҳол Кўмита раисига хабар бериш ва аудиторлик ҳисботида тегишли ёзувни қайд этиш;

активларни хатловдан ўтказишида ва қонунда белгиланган тартибда унинг ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилишда иштирок этиш.

Бош мутахассис қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Бош мутахассис коррупцияга қарши курашиш соҳасида фаолият юритувчи ходимларга мўлжалланган ўқув курслари ёки маҳсус семинар-тренингларда иштирок этади. Ўқув курслари ёки маҳсус семинар-тренинглар Кўмита ёхуд Агентлик томонидан ташкил этилиши мумкин.

16. Бош мутахассис фаолиятининг натижадорлиги Кўмитада коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлик ва мақсадли кўрсаткичларига эришиш натижаларига асосан баҳоланади.

Бош мутахассис фаолиятининг мақсадли кўрсаткичлари Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси томонидан тасдиқланади.

Бош мутахассис фаолияти самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичларига эришиш устидан назорат Агентлик томонидан амалга оширилади.

5-боб. Комплаенс назорат бош мутахассисининг жавобгарлиги

17. Бош мутахассис:

ўзи ўтказган текширишлар натижалари бузиб кўрсатилганлиги;

уларга тақдим этилган ёки улар томонидан хизмат вазифаларининг бажарилиши муносабати билан уларга маълум бўлган корхонанинг сирини ташкил этадиган ахборотнинг маҳфийлигига риоя қилинмаганлиги;

олинган хужжатларнинг сақланиши ва қайтарилишини таъминланиши учун жавоб беради.

18. Текширишлар давомида аниқланган қонун бузишларни бартараф этиш ва молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан кўрилган чоратадбирларга баҳо берилиши учун жавоб беради.

19. Кўмитанинг қузатувчи кенгаши ҳар чоракда текширишлар натижалари тўғрисидаги ҳисботини эшитади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва

молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар қўради.

6-боб. Якуний қоидалар

20. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор деб топилган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

21. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.